

# «ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» кафедраси

Фуқаро муҳофазасининг мақсади, вазифалари, куч ва воситалари унинг иқтисодиёт тармоқларида ташкил этиш тартиблари.

## Режа

- 1.ФМ бошқаришнинг моҳияти, асосий вазифалари ва унга қўйиладиган талаблар.
- 2.Бошқарув тизими (системаси) ва бошқарув пунктлари.
- 3.Фуқаро мухофазаси тадбирларини ўтказиш учун  шароитга бахо бериш, қарор қабул қилиш  ва вазифалар қўйиш.
- 4. Ўзаро хамкорлик .

# АДАБИЁТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни. 20 август 1999 й.

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" ги Қонуни. 26 май 2000 й.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2007 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2008 йил 26 декабрдаги «Вазирликлар ва идоралараро кундаликда ҳамкорлик қилиш ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ахборот алмашинуви Йўриқномасини тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида»ги 3-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида"ги 558-қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 январдаги "Қутқарувчилар хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2-қарори.




**<u>Бошқарув</u>**

***<u>бу</u>***- биргаликда фаолият кўрсатиш жараёнида маълум бир шахсга ёки гурухга нисбаттан мақсадга йўналтирилган узликсиз таъсир ўтказиш.

***<u>Бошқарувда</u>***- белгиланган мақсадга эришиш учун аник ва тўлик ўз вақтида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳамда режани тўлиқлиги ва тўғри қарор қабул қилиш мухим ахамиятга эга.



Давлатни ақл-идрок билан бошқариш
халқ бошига тушган хавф- хатарни
камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир.
АБУ НОСР ФОРОБИЙ ( X-аср)

# Бошқарувнинг асосий мақсади

- Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ёки бартараф этишда белгиланган мақсадга эришиш ёки вазифаларни бажариш учун Қонун доирасида маълум (қисқа) муддат ичида сифатли, имкон қадар кам сарф харажат ва иложи борича йўқотишларсиз аниқ чора тадбирларни амалга оширишдир.

# Ўзбекистон Республикаси ФВДТни ташкил этилиши асослсри

- Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда харакат қилиш давлат тизими (ФВДТ) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар, ва шаҳар ҳокимликларининг, вазирлик ва идораларнинг, корхона, муассаса, ва ташкилотларнинг БО, кучлари ҳамда воситаларидан иборат. (АваҲТҲТХФВМҚТ 6-моддаси)
- ФВДТнинг асосий мақсад этиб - ФВДТ бошқарув органлари, республика ва маҳаллий ҳокимият органларини, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан (ФВ) ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган корхоналар ва муассасаларнинг куч ва воситаларини бирлаштиради ҳамда ФВларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар юзага келганда аҳоли хавфсизлигини, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда **тинчлик ва ҳарбий даврда** давлат иқтисодиётига таъсир этувчи зарарни камайтиришни таъминлаш белгиланган. (ЎзР ВМ 23.12.97й. 558-сонли Қарори б\н тасдиқланган НИЗОМининг 2б.).

- Ўзбекистон Республикаси ФВВ ФМ, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган **ФВларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ишларга рахбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштириб бориш ишларини амалга оширувчи марказий давлат бошқарув органи ҳисобланади**. (АваҲТҲТХФВМҚТ 8-моддаси Махсус ваколатли БО)
- У ўз фаолиятини ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, табиятни муҳофаза қилиш ва махсус ваколатли давлат органлари билан ўзаро хамкорликда амалга оширади. (ЎзР ВМ 11.04.96й. 143-сонли Қарори б\н тасдиқланган НИЗОМининг 1б,3б)

# 1. БОШҚАРИШНИНГ МОХИЯТИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

**ФМни бошқаришнинг мохияти** ФМ хизмати Республика рахбар органларининг, ФМ бошлиқларининг, бўлим ва бошқармаларнинг, комиссияларнинг, хизматларнинг доимий ФВларни олдини олиш содир бўлганда уларни бартараф этиш мақсадини кўзлаган фаолиятидан иборат бўлиб, қуйидаги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишга қаратилган:

-ахолини табиий офатлардан, авариялардан, халокатлардан муҳофаза қилиш;

-иктисодиёт объектларини ва тармоқларини барқарор ишлашини таъминлаш;

-ФМ бошқарув органларининг ФВлар шароитида куч ва воситаларни шайлигини юқори даражада сақлаш;

-ФВ содир бўлган жойларда қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни мувоффақиятли ўтказиш;

**(АваҲТҲТХФВМҚТ ва ФМ Қонунларининг (6) 6,7,8,9,10,11-моддалари ЎзР ВМ 23.12.1997й 558-сонли Қарорининг 9,11,12,13 бандлари).**

# Бошқарувга қўйиладиган асосий талаблар.



# Бошқарув қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқарув тизими (системаси)ни ташкил-лаштириш;
- харакатлар (тадбирлар)ни режалаштириш;
- узликсиз маълумот йиғиш, жамлаш, тахлил қилиш ва вазиятга баҳо бериш;
- қарор қабул қилиш;
- ижрочиларга вазифалар қўйиш ва етказиш;

- куч ва воситаларни тайёргарлигини ошириш (сақлаш), уларни харакат қилиш ҳамда тикланиш ва таъминлаш қобилиятини ошириш тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

- хар томонлама таъминот бўйича тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

- қўйилган топшириқларни бажарилишини ташкиллаштириш назорат қилиш (ва/б).

# 2.Бошқарув тизими (системаси)

Бошқарув органлари

Бошқарув пунктлари

Алоқа воситалари ва АБТ

# ФМга раҳбарлик қилиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг ФМси соҳасидаги ваколатлари

- (ЎзР “ФМ тўғрисида”ги Қонунининг **6,**7,8,9,10,11 моддалар)

- ЎзР ФМга умумий раҳбарликни ЎзР ВМ амалга оширади.
- ЎзР Бош вазири мамлакат ФМ бошлиғидир.
- ЎзР ФМни бошқариш ЎзРси ФВВги зиммасига юклатилган.
- Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар туманлар, ва шаҳарлар хокимлари ўз ҳудудларининг ФМ бошлиғи хисобланадилар.
- Вазирликлар, идоралар, ва ташкилотлар раҳбарлари лавозмига кўра ФМ бошлиғидирлар.

# ФМ бошлиғи ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга

- ФМсининг тегишли режаларини амалга жорий этиш;
- Аҳолини, моддий ва маънавий бойликларни хавсиз жойларга эвакуация қилиш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш;
- ФМ бўйича директива, буйруқ, қарор, ва фармойишлар чиқариш;
- Қонун ҳужжатларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар

# ФВДТ раҳбар органлари

- бу аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ва объектлар маъмуриятидир.

- **Республика даражасида-** Ўз Р ФВВ; атроф табиий муҳит ва кучли хавфли объектларнинг ҳолатини кузатувчи ва назорат қилиш учун маъсул бўлган, шунингдек таркибида кимёвий, портловчи, ёнғин чиқиш мумкин бўлган вазирликлар ва идоралар;
- **Маҳаллий даражасида-** ҚР Вазирлар кенгаши ва вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари
- **Объект даражасида-** корхоналар (муассаса-лар, ташкилотлар) маъмуриятидан иборат.

# Республика миқёсида ФВДТ бошқарув тизимини ташкил этиш



# Махаллий даражада ФВДТ бошқарувни ташкил этиш



# Махаллий даражада ФВ бартараф этишда бошқарув тизимини ташкил этиш

Вилоят хокими – ФМ бошлиғи

Вилоят ФВБ бошлиғи- Вилоят ФМ бошлиғи ўринбосари – ФВБартараф этиш ШТАБ бошлиғи

Функционал Қ.Т.

Худудий Қ.Т.

ШТАБ аъзолари

Вилоят бошқармалари, идоралари, ташкилотлари, муассасалари рахбарлари

Туман хокимлари

# Объект даражасида ФМ тузилмаси бошқарув тизимини ташкил этиш

Объект рахбари – ФМ бошлиғи

Рахбар ўринбосари – штаб бошлиғи

Штаб бошлиғининг ёрдамчиси-ФМмутахассиси

Штаб аъзолари:

Бўлимлар бошлиқлари -
ФМ тузилмасининг гурухларини бошлиқлари

ФМ тузилмаси:

- Авария – қутқарув гурухи бошлиғи: қутқарувчилар – 7 киши
- Тиббий ёрдам гурухи бошлиғи: санитар ходимлар - 4киши
- Разветка гурухи бошлиғи : разведкачилар -3 киши
- Алоқа ва хабар бериш гурухи бошлиғи: алоқачи ходимлар - 4 киши

# ФВДТнинг кундалик бошқарув органлари



- ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ФВ бошқармалари;
- Шаҳар ва туманлар ФВлар бўлимлари;
- Объектнинг ФВлар бўлимлари;
- Вазирликлар ва идораларнинг давлат назорати органлари;
- Вазирликлар ва идораларнинг ФВлар бўлимлари;
- ФВ вазирлигининг танг вазиятларни бошқариш маркази;
- ФВБлари бошқармалари (бўлимлари)нинг навбатчилик хизматлари;
- Вазирликлар, идоралар ва объектларнинг навбатчи-диспетчерлик хизматларидан иборат. Улар тегишли хабар бериш, алоқа ахборотни қайта ишлаш ва узатиш воситалари билан жиҳозланган ҳамда уларга юклатилган вазифаларни бажаришга доимий тайёр ҳолда сақланади.

ФМга тенишли режаларни ишлаб чиқиш ва уларни мослаштириб туриш

вазият хақида узликсиз маълумот тўплаш, ўрганиш, бахо бериш, башоратлаш.

Ўз вақтида қарор қабул қилиб вазифаларни ижрочиларга етказиш

# ФВДТ бошқарув жараёни

Тадбирларни бажарилишини назорат қилиш

вазифани бажаришга бошқарув органларни ва кучларини тайёрлаш

ўзаро хамкорликни ташкиллаштириш ва хар томонлама таъминлаш




# БОШҚАРИШ ПУНКТЛАРИ

Бошқариш пункти(БП) -бу тегишли

ФМ органи жойлаштирилишига ва барқарор ишлашини таъминлашга мўлжаллаб, махсус ускуналанган ёки техник воситалар билан жихозланган иншоат ёки транспорт воситаси (ёхуд булар мажмуаси).

- -ОБЪЕКТДАГИ (муқим) БОШҚАРУВ ПУНКТИ
- -КУЧМА (мобил) БОШҚАРУВ ПУНКТИ
- -ХАВОДАГИ БОШҚАРУВ ПУНКТИ


FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI
O(I) Rh+
O'ZBEKISTON
FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI

- Кўчма бошқариш пунктлари (КБП) ЗБПнинг таркибий қисми хисобланади.Улар Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, шахарларда, туманларда, иқтисодиёт объектларида олдиндан ташкил этилиб қўйилади. КБП ФМ кучларини олѓа чиқаришга ва шикаст ўчоғидаги ёки табиий офат зоналаридаги энг маъсулиятли йўналишларда АҚ ва КБИни ўтказишга бевосита рахбарлик қилишни таъминлаш учун мўлжалланган.


AQ 185

# Фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудда ФВБнинг харакатдаги бошқарув пунктининг ёйилиш тартиби




## ХБП таркиби

| Наименование | Бошқарув блоки | Алоқа тармоғи | Таъминот блки |
|---|---|---|---|
| Шахсий таркиб | 5-9 | 3-6 | 5-8 |
| Техника сони | 3-8 | 1-2 | 1-3 |
| БШМ | 1 | 1- 2 | |
| ШМ | 1-3 | | |
| Ва бошқалар | 1-2 | | 1-3 |





- Хаводаги бошқариш пунктлари (ХБП) верталётлар, самалётлар асосида вазиятдан келиб чиққан ҳолда ердаги бошқарув пунктларидан бошқариш қийинлашиб ёки мумкин бўлмай қолганда ФМ кучларини бошқаришга мўлжалланган.



# ФВДТнинг ахборот-бошқарув қуйи тизими




- ФВВнинг танг вазиятларни бошқариш маркази;
- ФВДТнинг худудий ва қуйи тизимларининг ахборот – тахлил марказлари;
- Атроф-табиий муҳитнинг ва кучли хавфли объектлар ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш органларининг ахборот марказлари;
- Заҳирадаги шаҳардан ташқари ва шаҳар БПри;
- ФВларни бартараф этиш кучлари ва воситаларини бошқаришнинг ҳаракатланувчи пунктлари;
- Алоқа ва аҳборот узатиш воситалари, шу жумладан бошқариш ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тизмиларидан иборат.

# Ахборот бошқарув тизими қуйидагиларни таъминлаши лозм:

(ЎзР БВ-ФМ бошлиғининг 26.12.2008 3-сонли буйруғи)

- ФВДТнинг ҳудудий ва функционал қуйи тизимларидан олинган сейсмологик, геологик, гидрометриологик хавфли кўринишлар, саноат ва транспортдари аварияларва хлокатлар, эпидемиялар, эпифитотиялар, радиоактив, кимёвий ва биологик (бактериологик) аҳвол тўғрисида маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;
- Рахбар органлар, ФВДТнинг *кундалик бошқарув органлари*, ФВларни бартараф этиш кучлари ва воситалари ҳамда аҳолини ФВларнинг юзага келиши фактлари, хусусиятлари, ривожланиш кўламлари ва кечиши, кўрилиши мумкин бўлган оқибатлари, ФВларда харакат қилиш тартиби тўғрисида хабар қилиш ва ахборот бериш;

- ФВДТ қуйи тизимлари ва бўғинлари, *ФВДТнинг раҳбарлик қилувчи бошқарув органлари*, бошқарув пунктлари, ФВларни тугатиш кучлари ва воситалари ўртасида ўзаро ахборот алмашиш;
- ФВлар тўғрисидаги ахборотлариниг мезонлари, мазмуни ва кўринишлари ФВДТга, қуйи тизимлари ва бўғинларига, шунингдек аҳолига етказиш муддатлари ва тартиби ФВлар хавфи бўлганда ва улар юзага келганда вазирликлар, идоралар, хокимликлар ва объектлар томонидан ФВДТга кундалик фаолиятда етказиладиган ахборотлар рўйхати билан белгиланади. *(Қайси хужжатга асосан???)*

# Функционал ФВДТ қуйи тизимининг ФВ содир булганда харакат қилиш СХЕМАСИ



# ФВДТ БО иш фаолиятидаги режимлари

ЎзР ВМ 23.12.1997й 558-сонли қарори (25б)

**Р Е Ж И М Л А Р**

- кундалик
- Юқори тайёргарлик
- фавқулодда

**Башоратланаётган ёки юзага келган фавқулодда вазиятларнинг аҳволи, кўламларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси ФМ бошлиғи, ҚР Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан муаян ҳудудлар доирасида ФВДТ фаолият кўрсатишнинг белгиланган режимлардан бири ўрнатилади.**

# 3.ФМ тадбирларини ўтказишда шароитга баҳо бериш, қарор қабул қилиш ва вазифалар қўйиш.

- табиий офат, авария, ҳалокат жойи, характери, миқёси;

-вилоят (шаҳар, туман, иншоат) ҳудудидаги куч ва воситаларни олға олиб чиқиш вайронликлар (сув босишлар), ёнғинлар ва шикастланишлар йўлларидаги характери, бажариладиган ишлар турлари ва хажми;

-радиацион, кимёвий, бактеорологик ва бошқа шароит, унинг қутқариш ва бошқа ишлар ўтказишга қандай таъсир кўрсата олиши;


ОПАСНО
ХЛОР






21 АГ 589

# Шароитга баҳо бериш

-ФМ кучлари ва воситаларининг, бошқарув органларининг таркиби, ахволи таъминланганлиги ва имкониятлари; қўшимча (махсус) кучлар жалб этиш эхтиёжи;

-шикаст ўчоғи чегарасига (табиий офат, авария, халокат жойига) ёндош қўшни шахарлардаги, шахар туманларидаги, қишлоқ туманларидаги, объектлардаги ФМ кучлари ва воситаларининг ахволи, характери, фаолияти, улар билан хамкорлик қилиш шартлари;




КАРАНТИННАЯ СЛУЖБА
03




XIZMATI
AG 707
03

# Шароитга баҳо бериш

-кучлар ва воситаларнинг шикаст ўчоғига (табиий офат, авария, халокат жойига) ва ишлаш объектларига бориш маршрутининг ва ер кўринишининг характери;

-гидрометеорологик шароит, об-хаво ахволи, йил фасли ва кеча-кундуз вақти;

-қутқариш ишлари ўтказиш учун куч ва воситалар киритишнинг энг мақбул йўналишлари, ишлар бажарилаётгандаги хавфсизлик чоралари.



- -Сув босган зоналардаги шароитга баҳо беришда гидротехник иншоот тўғони бузилган вақти ва бузилишнинг даражаси; тўғон бузган тўлқиннинг ҳаракат тезлиги, баландлиги ва аҳоли яшаш пунктларига, иктисодиёт обектларига етиб бориш вақти; сув босган зона чегаралари; дарҳол хабар бериши керак бўлган аҳоли яшаш пунктлари, иктисодиёт обектлари кўчирилиши керак бўлган аҳоли яшаш пунктлари ва моддий бойликлар миқдори; қутқариш ишлари ўтказиш учун керакли куч ва воситалар.

# СУВ ТОШҚИНЛАРИ




40

- -Фуқаро муҳофазаси кучларига баҳо беришда ФВ содир бўлгандан сўнг ФМ тузилмалари турган жой;
- шахсий таркибга ва техникага етган талофат;
- ФМ тузилмалари шахсий таркибининг маънавий рухий аҳволи;
- ФМ тузилмаларини қайта тиклаш учун керакли вақт;
- ФМ тузилмаларининг моддий ва техникавий таъминланганлиги ва ишга шайлиги.

- -Маршрутлар аҳволига баҳо беришда вайронликлар, сув босқинлари ва ёнғинлар, маршурутлар, сувдан ўтказиш жойлари, кўприклар, кўприк йўллар ва ҳ.к. даги заҳарланган участкалар сони ва заҳарланиш ҳарактери; вайрон бўлган участкаларни айланиб ўтиш ва қайта тиклаш имкониятлари, колонна йўлларини ётқизиш имкониятлари; қурилиш материаллари, йўл қуриш техникаси, сувдан ўтказиш воситалари мавжудлиги.

- -Метеорологик шароитга баҳо бериш йил фасли, ҳаво, тупроқ ва сув ҳарорати; ер юзасидаги шамолнинг йўналиши ва баландликлар бўйича тезлиги; булутлик аҳволи ва ёғинлар ҳарактери; об-ҳаво маълумоти; вазифалар бажарилишига метеорологик шароитнинг таъсири.

# КЎПРИК ЙЎЛЛАРИ





# Қарор қабул қилишда рахбар томондан бажарилиши лозим бўлган иш тартиби

***ФВ бартараф этиш учун олинган вазифа (ахборот)ни тўлиқ моҳиятини англаш ва вазиятга тўғри баҳо бериш асосида Қарор қабул қилинади***

## I. Берилган топшириқни англаб олиш:

ФВ бартараф эитишда юқори рахбарият ғоясини тушиниб олиш (берилган маълумот мазмун мохияти англаш)

(АҚваБКБ) ишларни бажаришда ўзининг ўрни ва ролини аниқлаб олиш

**Бошлиқ**
определяет мероприятия для быстрейшей подготовки к выполнению задачи; утверждает расчет времени; ориентирует своих подчиненных о полученной задаче (информации).

## II.Вазиятга баҳо беришда асосий ахамиятга э бўлган маълумотлар ўрганилади:

1. Ҳудудга баҳо бериш (ФВ ҳудуди).
2. Куч ва воситалар холатига баҳо бериш.
3. Бажариладиган иш хажмини баҳолаш.
4. Йил фасли ва куннинг қай вақти ва об-ҳаво ҳолати

**Начальник ОУ ГСЧС**
дает указания по организации разведки, подготовке данных, необходимых для принятия решения, времени, порядке работы в зоне ЧС и организации взаимодействия.

НАТИЖА

## III. Қарор

ҒОЯ

Вазиятга берилган баҳодан қисқача умумий холат;
Бажариладиган ишларнинг тартиби, муддати хажми ва характери;
Асосий жонбозлик қилишдаги йўналиш;
Топшириқни бажаришда куч воситаларнинг таркиби ва гурухларга бўлинии.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Бўйсинувчи кучларга вазифалар | хамкорликда амалга ошириладиган асосий масалалар | ФВ зонасида бошқарувни ташкиллаштириш | Хар томонлама таминотни ташкиллаштириш |

# АҚваБКБИ ҚАРОИ

**Малумотларни тўлиқ бўлмаслиги ёки бошқа сабаблар рахбарни қарор қабул қилмасликка тўсқ бўлолмайди.**

## ҒОЯ (қарорнинг асоси)

1. Жонбозлик қилишдаги йўналишлар

2. АҚваБКБИ бажариш тартиб ва усуллари (қаерда, қандай кетмакетликда ва қандай тадбирлар амалга оширилади)

3. Кучларнинг таркиби

4. Бўйсинувчи кучларга вазифалар

5. Хамкорликнинг асосий масалалари

6.Бошқарувни ташкиллаштириш

*Ундан ташқари Қарорда АҚваБКБИ амалга оширишдаги хар томонлама таминот масалалари белгиланиши мумкин*

# ФВДТ қуйи тизим рахбарини АҚва КБИ бажариш бўйича қарор қабул қилишда амалга оширилиши лозм бўлган ишлари тартиби

- Берилган топшириқларни туб мохиятини англаб олиш (вазифани сифатли бажариш учун тегишли хизматлардан зарурий ахборот олиш, бошланғич маълумотларни тўплаш, вазиятни ўрганиш ва англаш)
- Олинган топшириқ ва умумий вазият хақида шахсий таркибга маълумот етказиш
- Вақтни хисобга олиш
- ФВ содир бўлган жойга (ҳудудга, объектга) бориш ва разветка ишларини ўтказиш бўйича тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш юзасидан фармоиш (буйруқ) бериш
- ФВ содир бўлган (харакат қилиш жойини) ҳудудни ўрганиш ва  ФВ бартараф этиш штаби (ФВ бартараф этишни ўз зиммасига олган юқори бошқарув орган рахбари ва унга тезкор бўйсинувчи тузилмалар ва тезкор гурух) билан хамкорликда характ қилиш учун алоқани ўрнатиш
- Вазиятга баҳо бериш (куч ва воситаларни шайлиги, ФВнинг олиб келиувчи оқибати омиллари, шахсий таркибнинг, ахоли (ишчи, хизматчи) ва объектнинг муҳофазаланганлик даражаси,  географик, иқлим ва бошқа шароитларни ҳисобга олиш)
- Қарор қабул қилиш
- Тузилмага вазифалар қўйиш ва хамкорликда харакат қилишни таъминлаш.
- ФВ ҳудудига куч ва воситаларни киритиш
- Бошқарувни ва харакатларни амалга оширишда хар томонлама таъминот ташкиллаштириш
- АҚ ва КБИ  амалга оширишдаги бошқарув ва назорат.

# •4. Ўзаро хамкорлик.

<u>Шаҳар - туман бўғинларида қуйидаги масалаларда ҳамкорлик ташкил этилади:</u>

-шикастланиш ўчоқларига (табиий офат, авария, ҳалокат жойларига) ФМ қисмлари ва тузилмаларини олиб бориш ва киритиш тартиби;

-турли ишларга мўлжалланган тузилмаларнинг, ҳарбий қисмларнинг вазифалар биргаликда бажарилаётгандаги ҳаракатларни уюштириш;

-жабрланган аҳолини қутқариш ва ҳаёт фаолиятини таъминлаш давомида ФМ органлари, ФМ кучлари фаолиятини таъминлаш юзасидан ФМ хизматлари билан тузилмалари органларининг биргаликда ишлашини ташкил этиш;

-қўшинлар (туманлар, қутқариш участкалари ва объектлари, тузилмалар ҳарбий қисмлар) ўртасида ўзаро ёрдамни амалга ошириш.


ГАЗОВАЯ
СЛУЖБА
HARAKAT
2 1 AG 248



Объект ФМ бошлиғи қутқариш ишларини ўтказишда ҳамкорликни ташкил этаётганда қуйидагиларни келишиб олиши керак:

-тузилмаларни (разведка, умумий, махсус тузилмаларни) олға олиб чиқиш тартиби ва уларнинг қутқариш ишлари, объектидаги фаолияти (иши);

-заҳарланган участкалардан, ёнғин зоналаридан, сув ва бошқа ғов тўсиқларидан ўтиш тартиби;

-иш объектларига (жойларига) чиқиб боришни ўзаро таъминлаш юзасидан транспортда ўтиш йўлларини ва вайрона уюмларидан транспортда ўтиш йўлларни қуриш, иншоатлар устини очиш, уюмларини тозалаш, шикастлаганларни олиб чиқиш, уларга тибиий ёрдам бериш ва бошқа ишларни бажариш юзасидан биринчи смена тузилмалари кучларининг фаолияти;

-алоқа ташкил этиш ва ахборат узатиш тартиби;

-бошқарув ва ҳабар бериш сигналлари ҳамда улар берилгандаги харакат тартиби.

Объект ФМ бошлиғининг буйруғида қуйидагилар кўрсатилади:

-объектдаги шароитга берилган баҳодан чиқарилган қисқача хулосалар;

-қутқариш ишлари ўтказаётганда жалб қиланадиган куч ва воситалар таркиби ҳамда уларнинг вазифалари;

-“буюраман” сўзидан кейин қуйидагилар кўрсатилади:

-1-смена тузилмаларининг вазифалари;

-2-чи ва ундан кейинги сменалар тузилмаларнинг, резервнинг вазифалари;

-тиббий пункт ташкил этиладиган жой;

-шикастланганларни кўчириш тартиби ва улар ўтадиган йўллар;

-радиоактив нурланишнинг йўл қўйса бўладиган дозалари;

-тузилмалар қутқариш ишларини бошланадиган вақти ва улар қанча давом этиши.

# Қўшни давлатлар ва Ўз Р ҳудудида ФВлар мониторингини юритишда хамкорлик чизмаси




сайт: www.mchs.uz
почта: cuks@mchs.uz

# Х У Л О С А

Шикастланиш (заҳарланиш) ўчоқларида Қ ва БШИ ташкил этиш ва мувоффақиятли ўтказиш ҳақида фуқаро муҳофазаси бошлиғининг **қарори** бошқаришнинг асоси бўлади.

**ФМ бошлиғи** ўз тасарруфидаги ФМ кучлари бошқарилишига ва улар тинчлик даврида ва ҳарбий харакатлар вақтида **вазифаларни муваффақиятли бажарилишига батамом маъсулдир**.

ФМ бошлиғининг қарорлари тўлиқ амалга оширилишига имкон берадиган яхлит, самарали ва **мослашувчан бошқарув тизимини** яратмай туриб, ФВ шароитида мураккаб вазифаларни ҳал этиб бўлмайди.